#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ КАРОРИ

239 Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакида

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 3 июнда руйхатдан ўтказилди, руйхат рақами 1728-1

(2011 йил 13 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўгрисида» ги (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда) қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ—1438-сон «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш хамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўгрисида» ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда) мувофик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 8 сентябрдаги 23/1-сон қарори (руйхат рақами 1728, 2007 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2007 й., 41-42-сон, 426-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш турисидаги йуриқномага иловага мувофиқ узгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2011 йил 30 апрель, 13/2-сон Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 30 апрелдаги 13∕2-сон қарорига ИЛОВА

### Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

#### 1. 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «бухгалтерия» деган сўз «молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

- 2. 16-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Бунда кирим касса ордери (4-илова) бир нусхада расмийлаштирилиб, бухгалтерияга хисобваракларда акс эттириш ва кунлик хужжатларга тикилиши учун берилади. Накд пул қабул қилинганлиги тўгрисида квитанция бош бухгалтер ёки бошқа ваколатли шахс ва кассир томонидан имзоланади ва микрокредит ташкилоти кассаси мухри билан тасдикланиб, пул маблагини қўювчига қайтарилади».
- 3. 19-банддаги «ҳисобварақлар» деган суз «иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлари» деган сузлар билан алмаштирилсин.
  - 4. 20-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тулдирилсин: «касса китоби (17-илова)».
  - 5. Қуйидаги мазмундаги 20<sup>1</sup>-банд билан тулдирилсин:
- « $20^{1}$ . Бош ва ёрдамчи китоблар хисобварақлар режаси номенклатурасига мос иккинчи тартибли баланс хисобварақлари буйича хар ой учун алохида юритилиши лозим.

Бош ва ёрдамчи китоблар дастурий йўл билан юритилиши мумкин, касса китоби бундан мустасно. Бунда бош ва ёрдамчи китоблар (кирим ва чиқим буйича касса китоблари ҳар куни) қоғозга кучирилиб, хронологик тартибда ҳар ой учун алоҳида тикилади, усиб бориш тартибида рақамланади ҳамда варақлар сони курсатилган ҳолда микрокредит ташкилоти раҳбари ва бош буҳгалтери томонидан имзоланади».

#### 6. 21-бандда:

тўртинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

- 7. 22-банддаги «дафтарлардаги» ва «китобига» деган сўзлар тегишлича «китоблардаги» ва «китобга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
  - 8. 23-бандда:

биринчи хатбошидаги «китобларининг» деган суз «китобининг» деган суз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тулдирилсин:

«Касса китоби варақлари ёзувлари икки нусхада юритилади. Касса ки-

тоби варақларининг иккинчи нусхаси йиртиб олинадиган булиб, у кассирнинг хисоботи булиб хисобланади. Касса китобининг хар иккала варағи бир хил рақамланади. Хар куни, иш куни охирида кассир кун давомидаги операциялар якунини хисоблайди, кейинги кунга кассадаги пуллар қолдиғини хисоблаб чиқаради ва бухгалтерияга кассир хисоботи сифатида йиртиб олинган иккинчи варақни кирим ва чиқим касса хужжатлари билан биргаликда касса китобига имзо чектириб топширади».

- 9. 24-банднинг учинчи хатбошидаги «мемориал ордери» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
  - 10. 32-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «32. Микрокредит ташкилоти билан мижоз ўртасида микрокредит (микролизинг, микрокарз, истеъмол кредити) бериш бўйича шартнома кучга киргандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан мижозга шахсий хисобварақ очилади. Бунда микрокредит ташкилоти томонидан хар бир қарздорга хар бир микрокредит (микролизинг, микрокарз, истеъмол кредити) бўйича алохида кредит карточкаси очилади».
  - 11. 34 ва 35-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:
- «34. Микрокредит ташкилоти томонидан юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга микрокредит хамда жисмоний шахсларга микрокарзлар берилганда хар бир қарз олувчининг хар бир микрокредит ва микрокарзи буйича қоғоз шаклида кредит карточкаси расмийлаштирилиб, унда микрокредит ва микрокарзлар буйича амалга оширилган операциялар хисоби олиб борилади. Кредит карточка ва унда амалга оширилган микрокредит ва микроқарзлар буйича операцияларнинг хисоби дастурий йул билан амалга оширилиши мумкин.

Кредит карточкасида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

қарз олувчи жисмоний шахснинг исми, фамилияси ва отасининг исми, қарз олувчи юридик шахснинг номи;

шахсий хисобварак раками;

қарз олувчи жисмоний шахснинг паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа хужжат маълумотлари, қарз олувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат руйхатидан ўтказилганлиги туррисидаги гувохнома маълумотлари;

қарз олувчи жисмоний шахснинг турар жойи, қарз олувчи юридик шахснинг жойлашған ери ҳамда уларнинг контакт маълумотлари;

мажбуриятлар таъминланганлиги ҳақида маълумотлар;

кафиллар тўгрисида маълумотлар, шу жумладан уларнинг паспорт ёки шахсларини тасдикловчи бошка хужжатлар маълумотлари, турар жой (жойлашган ери) ва контакт маълумотлари;

микрокредит ёки микрокарзнинг максади;

микрокредит ёки микроқарз шартлари тўгрисида маълумотлар;

микрокредит ёки микроқарз буйича ҳисобланган ва туланган фоизлар ту̂ррисида маълумот;

микрокредит ёки микроқарзни қайтариш суммалари тўғрисида маълумот;

тўлов муддатини кечиктириш тўгрисида маълумот.

35. Микрокредит ва микрокарз бериш буйича операциялар утказилганда бош бухгалтер:

ҳар бир қарздор учун ҳар бир микрокредит (микроқарз) шартномасига асосан алоҳида шахсий ҳисобварақ очади;

микрокредит (микроқарз) бериш бўйича операцияларни ва тегишли ўтказмаларни амалга оширишни тасдиқлайди.

Микрокредит (микроқарз) шартномалари бухгалтерияда бош бухгалтер жавобгарлиги остида сақланади».

- 12. 39-банддаги «Кредит ёки қарз суммаси X фоиз ставкаси X кунлар сони» деган сўзлар «Кредит ёки қарз бўйича асосий қарзнинг тўланмаган қолдиғи суммаси X йиллик фоиз ставкаси X кунлар сони» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 13. 43-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Микрокредит ташкилоти томонидан курилиши мумкин булган зарарларни қоплаш захирасига утказмалар белгиланган талаблардан кам булганда, қушимча утказмалар ушбу холат аниқланган даврда микрокредит ташкилотининг харажатига 56802 - «Микроқарз ва микрокредитлар буйича курилиши мумкин булган зарарларни бахолаш» хисобварағи орқали олиб борилади ва жорий давр учун «Фойда ва зарарлар тургисида хисобот»да акс эттирилади.

Микрокредит ташкилоти томонидан белгиланган талабларга нисбатан ортикча шакллантирилган захиралар камайтирилганда, шунингдек қарздор томонидан захира шакллантирилган актив буйича маблағлар қайтарилганда ортикча шакллантирилган захиралар 56802 — «Микрокарз ва микрокредитлар буйича курилиши мумкин булган зарарларни бахолаш» (захира хисобот йилида яратилган булса) хисобварағига ёки 45921 — «Хисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши» (захира хисобот йилидан олдинги йилда яратилган булса) хисобварағига олиб борилади ва жорий давр учун «Фойда ва зарарлар туғрисида хисобот»да акс эттирилади».

#### 14. 44-бандда:

учинчи хатбошидаги «ссуда» деган суз чикариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бунда захира хисобига хисобдан чиқарилган активнинг келгуси хисоби 95413 — «Хисобдан чиқарилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар» хисобварағида юритилади. Захира хисобига хисобдан чиқарилган актив ва унга хисобланган фоизлар балансдан ташқари «Кўзда тутилмаган холатлар» хисобварақларида камида уч йил юритилади ва микрокредит ташкилоти томонидан уларни ундириш бўйича тегишли чоралар кўрилиши шарт. Микрокредит ташкилоти томонидан захира хисобига хисобдан чиқарилган актив ва унга хисобланган фоизлар бўйича хар ойда қарздорга қарздорликни сўндириш бўйича даъво хати ва тегишли «Кўзда тутилмаган холатлар» хисобварақларидан кўчирмалар юборилади.

Ушбу даъво хати ва кучирмалар судга қарздорликни ундириш буйича мурожаат этиш учун асос ҳисобланади. Курилган чоралар натижасида қарздорлик қопланмаган такдирда, яратилган захира ҳисобига ҳисобдан чиқарилган актив ва унга ҳисобланган фоизлар микрокредит ташкилоти томонидан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади».

#### 15. 45-бандда:

биринчи хатбоши «нақд пулда» деган сўзлардан кейин «ёки нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ҳисобварағи» деган суз «ёки 10503 — «Банкларга қуйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» ҳисобварағи» деган сузлар билан алмаштирилсин.

- 16. 47-банд құйидаги тахрирда баён этилсин:
- «47. Микрокредит ташкилотида микролизингга берилаётган актив буйича дебиторлик қарзни дастлабки тан олиш микролизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда микрокредит ташкилоти ушбу дебиторлик қарзни уз балансида лизингга берилган микролизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлиқ ҳаражатлар йиғиндиси активи сифатида тан олади».
- 17. 48-банднинг биринчи хатбошисидаги «мемориал ордер тулдириб» деган сузлар чикариб ташлансин.
- 18. 50-банддаги «микролизинг объекти» деган сўзлар «микролизингга берилаётган актив бўйича дебиторлик қарзи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 19. 52-банддаги «ҳисобланганда» деган суз «ҳар куни ҳисобланади ва» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 20. IV булимнинг «3.2» тузилмавий бирлиги номидаги «микролизинг» деган суз «лизинг (микролизинг)» деган сузлар билан алмаштирилсин.
  - 21. 67-бандда:

биринчи хатбошидаги «ҳисобланганда» деган суз «ҳар куни ҳисобланади ва» деган сузлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

- «Дебет 54301 «Лизинг (микролизинг) буйича фоизли харажатлар».
- 22. 69-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
- «Агар микролизинг объектига эгалик хукуқи ўтиши микролизинг шартномасида белгиланмаган бўлса, микролизинг объекти бўйича эскириш микролизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ёки активнинг фойдали хизмат қилиш муддатидан қайси бири кичик бўлса ўша муддатга ҳисобланади».
  - 23. Қуйидаги мазмундаги 751-банд билан тулдирилсин:
- $*75^{\text{I}}$ . Лизинг олувчи микрокредит ташкилотида лизинг ҳисоби мазкур Йуриқноманинг 60 — 75-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади».
  - 24. 82-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

- 25. 83-банддаги «ордерининг биринчи нусхасига кассир имзо қуйганидан» деган сузлар «ордерига имзо қуйилганидан» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 26. 84-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблан-
- 27. 86-банднинг иккинчи хатбошисидаги «3» рақами «1» рақами билан алмаштирилсин.
  - 28. 88-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Улар мос келган тақдирда, квитанцияга имзо қуяди, микрокредит ташкилоти кассаси мухри билан тасдиқлайди ва пулни топширган шахсга беради. Кирим касса ордери бухгалтерга ёки кирим буйича касса китобини юритувчи бошқа масъул ходимга кун охирида кунлик ҳужжатларга тикиб қуйиш учун берилади».

#### 29. 92-бандда:

биринчи хатбошидаги «маблағларини» ва «ўтказишда» деган сўзлар тегишлича «маблағлари» ва «келиб тушганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

- тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб хисоблансин.
- 30. 97-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисобланади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади».
  - 31. 98-банл:

куйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи хатбошилар билан тулдирилсин:

«Микрокредит ташкилоти фаолиятида микромолиявий хизматларни курсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий максадлар учун фойдаланиладиган, шунингдек бир йилдан ортик вакт мобайнида фойдаланиш кузда тутилган моддий активлар асосий воситалар булиб хисобланади.

Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, компьютерлар, мебель, хисоблаш техникаси, транспорт воситалари, фойдаланиш хукукларида харид килинган ер, кутубхона фонди, кийматидан катъи назар куришда бино кийматига киритилмаган сигнализация ва телефонизация объектлари ва бошкалар киритилади»;

биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи, туртинчи ва бешинчи хатбошилар деб хисоблансин.

- 32. 101-банднинг учинчи хатбошиси «(таъсисчилардан олинганда) ёки 45994 «Бошқа фоизсиз даромадлар» (бошқалардан олинганда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
  - 33. 107-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 34. 113-банднинг биринчи хатбошиси «ҳар ойда» деган сузлардан кейин «тегишли актив тикланиш қийматининг эскириш суммаси билан бош-

ланғич қийматининг эскириш суммаси ўртасидаги фарққа тенг равишда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

35. 120-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тулдирилсин:

«Бунда агар гаровга қуйилган мол-мулкнинг сотилишидан тушган сумма, микрокредит ташкилотининг талаблари микдоридан ошиб кетса, тафовути гаровга берувчига қайтариб берилади»;

саккизинчи, тукқизинчи ва унинчи хатбошилар тегишлича тукқизинчи, унинчи ва ун биринчи хатбошилар деб хисоблансин.

- 36. 134, 135 ва 137-бандлардаги «банк» деган суз «микрокредит ташкилоти» деган сузлар билан алмаштирилсин.
  - 37. 141-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 38. 147-банддаги «ва 19931 «Муддати узайтирилган солиқлар» деган сÿзлар чиқариб ташлансин.
  - 39. Қуйидаги мазмундаги  $12^{1}$ -боб билан тулдирилсин:

### «12¹-боб. Чет эл валютасида ифодаланган актив ва мажбуриятларнинг хисоби

158<sup>1</sup>. Микрокредит ташкилотининг чет эл валютасидаги операциялари булиб қуйидагилар ҳисобланади:

мол-мулкни (асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, товар-моддий кийматликлар) чет эл валютасида сотиб олиниши (сотилиши):

тулов суммаси чет эл валютасида белгиланган кредит (микрокредит)лар ва қарз (микроқарз)ларнинг олиниши (берилиши);

чет эл валютасида ифодаланган мажбуриятларнинг қабул қилиниши (тўланиши).

- 158<sup>2</sup>. Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар қиймати бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши учун чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш санасидаги Марказий банк курси буйича миллий валюта сумда қайта баҳоланади.
- 158<sup>3</sup>. Микрокредит ташкилоти балансининг валюта моддалари ҳар ойда ҳисобот ойининг охирги санасидаги ва чет эл валютасидаги операциялар амалга оширилган санадаги Марказий банк курси буйича қайта баҳоланади.
  - 1584. Баланснинг қуйидаги валюта моддалари қайта бахоланади:

кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда ҳисобварақларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;

чет эл валютасидаги пул хужжатлари;

чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар;

чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, кредит (микрокредит)лари ва қарз (микроқарз)лари.

1585. Қуйидагилар қайта бахоланмайди:

чет эл валютасига сотиб олинган мол-мулк (асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, капитал қуйилмалар, товармоддий қийматликлар);

устав капитали миқдори ва таъсисчилар (қатнашчилар) улушларининг нисбатлари.

158<sup>6</sup>. Чет валютасидаги актив ва мажбуриятларни қайта баҳолашда юзага келган курс фарқлари микрокредит ташкилоти томонидан молиявий натижаларга тўгри олиб бориш ёки жамлаш усули билан олиб борилади.

Ушбу курс фарқларини молиявий натижаларга олиб боришда қўлланилаётган усуллар микрокредит ташкилотининг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

1587. Тўгри олиб бориш усули қўлланилганда қайта бахолаш натижасида юзага келган курс фарқлари молиявий натижаларга юзага келиши (қайта бахоланиши) билан олиб борилади. Курс фарқлари натижасида юзага келган фойда 45401 — «Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида олинган фойда» ва зарарлар 55301 — «Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида кўрилган зарар» хисобварақларига олиб борилади.

158<sup>8</sup>. Жамлаш усули қўлланилганда курс фарқлари молиявий натижаларга қуйидаги тартибда олиб борилади:

чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари буйича уларнинг туланиши (хисобдан чиқарилиши)га кура;

бошқа ҳолларда баланснинг тегишли валюта моддалари билан хужалик операцияларининг амалга оширилишига кура.

- 1589. Жамлаш усулида қайта баҳолаш натижасида юзага келган ижобий фарқ 22816 «Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида муддати узайтирилган даромад» ҳисобварағида жамланиб, кейинчалик 45401 «Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида олинган фойда» ҳисобварағига олиб борилади. Қайта баҳолаш натижасида юзага келган салбий фарқ 19927 «Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида муддати узайтирилган ҳаражатлар» ҳисобварағида жамланиб, кейинчалик 55301 «Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида кўрилган зарар» ҳисобварағига олиб борилади.
- 158<sup>10</sup>. Микрокредит ташкилоти жамлаш усулидан тўгри олиб бориш усулига ўтганида, баланснинг валюта моддаларини қайта бахолаш натижасида жамланган курс фарқлари хисоб сиёсати қабул қилинган календарь йилнинг охиригача хар ойда пропорционал равишда молиявий натижаларга олиб борилади».
  - 40. 164-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «164. Микрокредит ташкилотига берилган хайрия бадаллари ва грантлар фаолиятни молиялаштириш манбаи сифатида қаралади ва қуйидаги тартибла хисобга олинади:
- а) микрокредит ташкилоти томонидан хайрия бадаллари олинганда қуйидаги бүхгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Кассадаги пул маблағлари» ёки 10503 — «Банкларга қуйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

Кредит 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар»;

б) микрокредит ташкилотига берилган грантлар дастлаб мажбурият сифатида тан олинади ва куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10503 — «Банкларга қуйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

Кредит 22814 — «Грант маблаглари»;

в) грантлар билан боғлиқ булган шартлар микрокредит ташкилоти томонидан бажарилишига (грантлар узлаштирилишига) мувофиқ қуйидаги бухгалтерия утказмаси амалга оширилади:

Дебет 22814 — «Грант маблаглари»;

Кредит 45917 — «Грант маблагларидан олинган даромад»;

г) грантлар пул шаклида бўлмаган активлар, масалан асосий воситалар кўринишида олинганида активларнинг бахоланган қиймати бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 165\*\* — «Асосий воситаларнинг тегишли хисобвараги»;

Кредит 22814 — «Грант маблағлари» (агар грант билан боғлиқ шартлар мавжуд булса) ёки Кредит 45917 — «Грант маблағларидан олинган даромад» (агар грант билан боғлиқ шартлар булмаса).

Грант шаклида олинган асосий воситалар эскириши сари уларнинг эскириши буйича ўтказмалар микрокредит ташкилотининг бошқа ўзига тегишли асосий воситалари каби амалга оширилади ва 22814 — «Грант маблағлари» ҳисобварағидаги грант суммаси 45917 — «Грант маблағларидан олинган даромад» ҳисобварағига ҳисобот даври учун ҳисобланадиган эскириш суммасида ўтказилади;

д) ўзлаштирилган грантлар хисобот йили тугаши билан фойда (зарар) хисобварагидан капиталдаги «Ўзлаштирилган грант маблаглари» хисобварагига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)»;

Кредит 31701 — «Ўзлаштирилган грант маблаглари».

- 41. 166-банддаги «ўн кунлик» деган сўзлар «кўпи билан бир ойлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 42. 167-банд биринчи хатбошисининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.
  - 43. 169-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 44. 171-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тулдирилсин:
- «Микрокредит ташкилоти мижозлар билан амалга оширилган операциялар тўгрисидаги ахборотни, мижозлар билан ёзишмаларни, шунингдек мижозларни идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт».
- 45. 172-банддаги «ҳар бир кун» ва «шу кун» деган сўзлар тегишлича «ҳар ой» ва «шу ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

- 46. 173-банднинг биринчи хатбошидаги «омборда» деган суз «кассада, омборда» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 47. 174-банддаги «омборда» деган суз «касса ёки омборда» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 48. 3, 4, 7, 11, 13 ва 14-иловалар мазкур ўзгартириш ва қушимчаларнинг 1 6-иловаларига мувофик тахрирда баён этилсин.
  - 49. 5-иловадаги «Эслатма» устуни чиқариб ташлансин.
- 50. 6-иловадаги «даври» ва «Хисобварақлар дебетига хисобварақлар кредитидан» деган сузлар тегишлича «ойи» ва «Хисобварақлар дебетидан хисобварақлар кредитига» деган сузлар билан алмаштирилсин.
  - 51. 17-илованинг «Чиким» кисмида:
  - «Микролизинг» сатри чиқариб ташлансин;
- «Жами нақд чиқим (A)» деган сўзлар «Жами нақд чиқим (B)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
  - 52. 20-иловада:
  - 1-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тулдирилсин:
- «Бунда микрокредит ташкилотида юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорга хисобварақлар, шунингдек микрокредит ташкилотининг ички фаолияти буйича хисобварақлар уларнинг банкдаги хисобварақлари буйича Банк депозиторларининг миллий ахборот базасида берилган хос рақами билан, жисмоний шахсларга хисобварақлар «99XXXXXX» тартибида ҳар бир жисмоний шахс учун алоҳида ихтиёрий шакллантирилган хос рақам билан очилади»;
- 2-бандидаги «банкнинг», «банк бўлимида» ва «банкларнинг» деган сўзлар тегишлича «микрокредит ташкилотининг», «микрокредит ташкилотида» ва «микрокредит ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчаларга 1-ИЛОВА

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага 3-ИЛОВА

#### Чиқим касса ордери шакли

(микрокредит ташкилоти номи)								
- co	эн чиқим касса ор	лери 🗆						
Сана	ДЕБЕТ	х/в						
	КРЕДИТ			10101				
	(Олувчин	инг Ф.И.О. (н	ор. шахс номи))					
Тўлов мақсади (асо	c):							
Сумма рақамда:								
Сумма ёзувда:								
Шахсни тасдикловч	и хужжат маълумс	тлари: _						
·	и тасдикловчи хужжат номи			рилгани ва санаси)				
Ордерда кўрсатилга	н сумма	(сумма сўз	билан қўлда ёзилади)	сўм	тийинни			
ОЛДИМ(олувчи имзоси)								
Имзолар:								
Кассир	Рахбар		Бухгалтер					

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга 2-ИЛОВА

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага 4-ИЛОВА

#### Кирим касса ордери шакли

,	(микрокредит ташкило	от номи)		(микрокредит ташкилоти номи)				
- сон кир	им касса ордери		1					
				- сон кирим касса ордерига				
Сана	ДЕБЕТ	(x/B) 10101		КВИТАНЦИЯ				
·								
(Топші	ирувчининг Ф.И.О. (юридик	с шахснинг номи))						
TEX	C	ICDE HAT (/-)		T× C				
Тўлов тури	Сумма	КРЕДИТ (ҳ/в)		Тўлов тури Сумма				
Асосий қарз				Асосий қарз				
Фоизлар				Фоизлар				
Пеня			Z.	Пеня				
Жарималар			371	Жарималар				
Бошқалар			ЧИ	Бошқалар				
Жами			Ħ	Жами				
			Қирқиш чизиғи					
Тўлов мақсади (а	ncoc):		Ž	Тўлов мақсади (асос):				
Сумма рақамда:								
Сумма ёзувда:				Сумма рақамда:				
				Сумма ёзувда:				
Имзолар:				«»20 й.				
				M.Ў.				
				Бухгалтер				
Мижоз	Кассир	Бухгалтер		Кассир				
•	•			•				

22-23 (470-471)-сон

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага киритилаётган ўзгартириш ва қушимчаларга 3-ИЛОВА

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага 7-ИЛОВА

#### Берилган микрокредит, микролизинг, микрокарз ва бошка микромолиялаш операцияларни хисобга олиш китоби

20	תגוגו	หนัก	VUVH	хисобварак	бѷйича
ZU	ИИЛ	ОИИ	учун	 хисооварақ	Оуиича

T/p	Қарздорнинг Ф.И.О. (Юридик шахснинг	Хисобот даври бошига	Шартнома раками ва				итидан ебетига			ебетидан кредитига	Хисобот даври охирига
1/p	номи)	Т ХИСООВАВАК Т	санаси	№	№	№	жами	№	№	жами	ҳисобварақ қолдиғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Раҳбар		
_	(Ф.И.О.)	(имзо)
Бош бухгалтер		
-	(ФИО)	(HM30)

Μ.Ў.



Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга 4-ИЛОВА

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага 11-ИЛОВА

#### Хисобот даври харажатларини хисобга олиш КИТОБИ

20	йил	ойи	учун	хисобот	даври	харажатларини	хисобга	олиш	китоби
----	-----	-----	------	---------	-------	---------------	---------	------	--------

T/p	Хисобварақ номи	Харажатларни хисобга олиш хисобварағи дебетидан хисобварақлар кредитига				Харажатлар хисобварағи кредитидан хисобварақлар дебетига				Харажатлар қолдиғи	
		Nº	Nº	Nº	жами	Nº	Nº	Nº	жами	ой бошига	ой охирига

Раҳбар		
	(Ф.И.О.)	(имзо)
Бош бухгалтер		
	(ФИО)	(MM30)

М.Ў.



N	
ည္	
T	
Ζ	
0	
2	

22-23 (470-471)-сон

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
5-ИЛОВЛ

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага 13-ИЛОВА

 микрокредит	ташкилоти	Бет	рақами	

#### Нақд пул кирими буйича касса китоби

Ой	Йил
----	-----

Сана	Хисобварақ рақами	Касса хужжати рақами	Сумма	Шартнома	
				рақами	санаси

# www.lex.uz

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага
киритилаётган ўзгартириш ва қушимчаларга
6-ИЛОВА

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тўгрисидаги йўрикномага 14-ИЛОВА

микрокредит ташкилоти	Бет рақами
-----------------------	------------

#### Нақд пул чиқими буйича касса китоби

Сана	Хисобварақ рақами	Касса хужжати рақами	Хужжат (қайднома ва бошқалар) рақами	Сумма	Шартнома	
					рақами	санаси

# www.lex.uz